

**«ASIA ALLIANCE BANK»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ**

**«ASIA ALLIANCE BANK»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНинг
ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА КЕНГАЙТИРИШ
БЎЙИЧА 2016 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН**

БИЗНЕС-РЕЖАСИ



«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН
(24.11.2015 й.даги К-66-сонли баённома)

Мундарижа

КИРИШ	3
ЖОРЙ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ ВА «ASIA ALLIANCE BANK» ИСТИҚБОЛИ	4
Макроиқтисодий тамойиллар	4
Ўзбекистон банк сектори	5
Асосий воқеалар ва банкнинг жорий фаолияти.....	7
Банкнинг бозордаги мавқеи.....	9
БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	11
Кредит фаолияти	11
Инвестиция ва эмиссия фаолияти.....	13
Банкларо ва валюта бозоридаги амалиётлар	13
Вакиллик муносабатлари ва халқаро фаолият	14
Хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ва корпоратив мижозлар.....	15
Чакана мижозларга хизмат кўрсатиш	17
БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР	18
Банк барқарорлигини ошириш ва хатарларини бошқариш чоралари.....	18
Ички назорат тизими.....	18
Ахборот технологиялари	19
Банк ходимларини камол топтириш	19
МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ	20
ИСТИҚБОЛ БАЛАНСИ	22
ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ТҮҒРИСИДА ИСТИҚБОЛ ҲИСОБОТИ.....	22

КИРИШ

Мазкур Бизнес-режа «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ томонидан 2016 йилда амалга ошириладиган тадбирларни ҳамда 2016 йил молиявий режасини ўз ичига олган.

«ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда матн бўйича - банк) 2009 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.04.1997 йилдаги ПФ-1749-сонли “Хусусий тижорат банклари ташкил этилишини раҳбатлантириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ ташкил этилган. Банк ўз фаолияини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 15.08.2014 йилдаги 79-сонли ва 20.09.2014 йилдаги 69-сонли лицензиялари асосида фаолият юритади. Банкнинг Бош офиси қўйидаги манзилда жойлашган: Тараққиёт кўчаси, 2А, 100047, Тошкент ш., Ўзбекистон.

Банк Ўзбекистон Банк ассоциацияларининг ҳамда Фуқароларнинг банклардаги омонатларинини кафолатлаш жамғармасининг, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасининг аъзоси ва VISA International Халқаро ташкилотининг ассоциацияланган аъзоси ҳисобланади.

Moody's Investors Service Халқаро рейтинг агентлиги томонидан банкка E+ молиявий баракрорлик рейтинги берилган, бу эса узоқ муддатли шкала бўйича B3 рейтингига тўғри келади. Шунингдек миллий ва хорижий валютадаги депозитларнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли рейтинглари глобал шкала бўйича B3/Not Prime сифатида баҳоланган. Банкнинг барча рейтинглари “Барқарор” истиқболига эга. Банк шунингдек маҳаллий “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги томонидан кредит бўйича “Барқарор” истиқболи билан берилган “uzA+” рейтингини олган.

ЖОРИЙ ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ ВА «ASIA ALLIANCE BANK» ИСТИҚБОЛИ Макроиқтисодий тамойиллар

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий дастурининг 2015 йилга мўлжалланган энг муҳим ва устивор йўналишларини амалга ошириш бўйича кўрилган чоралар давом этаётган жаҳон иқтисодий инқироз шароитида мамлакатнинг иқтисодий ўсишни таъминлаш ва макроиқтисодий бароқарорликни сақлаб қолиш имкониятини берди.

Республика ялпи ички маҳсулот ҳажми 2015 йилнинг 9 ойлик якунлари бўйича 2014 йилнинг ана шу даврига нисбатан 8 фоизга ўсади (2014 йилнинг 9 ойида – 8,1 фоиз). Бунда мамлакат ташки савдо айланмасининг 217,8 миллион долларлик ижобий сальдоси таъминланди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицит билан бажарилди. Солик юки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,8 фоиздан 16,6 фоизгача изчил камайишига эришилди.

Ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш, юқори технологияли муҳим ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширишни тезлаштириш, шунингдек, худудлар саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши самарасида жорий йилнинг тўқиз ойида ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажми 28,5 триллион сўмни ташкил қилди ва 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 9,9 фоизга ошди.

Ўзбекистоннинг 2015 йил январь-сентябрь ойлари учун макроиқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	млрд. сўм	Ўсиш суръати, 2014 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан %
Ялпи ички маҳсулот	117 491,7	108,0
Саноат маҳсулоти	62 225,3	107,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	31 821,8	106,6
Асосий капиталга инвестициялар	28 477,0	109,9
Курилиш ишлари	18 880,7	118,7
Юкларни ташиш, млн. тн	1 136,9	104,3
Юклар айланмаси, млн. тн.-км	63 493,8	101,0
Йўловчиларни ташиш, млн. киши	5 458,1	103,4
Йўловчилар айланмаси, млн. йўловчи-км	76 262,1	105,6
Чакана савдо айланмаси	50 731,9	115,0
Хизматлар, жами	62 841,0	112,9

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси

Умумий ўзлаштирилган инвестициялардан 2,4 миллиард долларни ёки 21,1 фоизни хорижий инвестициялар ва 11 фоизга ўсиш билан кредитлар ташкил этди, шу жумладан 1,8 миллиард доллар тўғридан-тўғри чет эл инвестициялар (7,4 фоизга ўсиш билан). Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 514 миллион доллардан зиёд маблағлари иқтисодиётнинг стратегик аҳамиятга эга соҳаларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ўзлаштирилди.

Капитал қўйилмалар тузилмасида энг катта ҳиссани хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари ҳисобидан инвестициялар ташкил этиб (30,5 фоиз),

уларнинг ҳажми 2014 йилнинг ана шу даврига нисбатан 20,7 фоизга ошиди, бу эса корхоналар таркибий ислоҳотларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишга фаол жалб қилинаётганлигидан далолат беради.

Истеъмол товарларининг номенклатураси ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида йил бошидан истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан технологик асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва айланма капиталини тўлдиришга тижорат банкларининг 3,4 триллион сўмдан зиёд кредитлари, ёки ўтган йилнинг ана шу даврига нисбатан 1,3 марта кўпроқ ажратилди. Натижада 2015 йилнинг 9 ойида истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ҳажми 10,1 фоизга, шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми 20,9 фоизга ошиди.

2015 йилнинг 9 ои давомида банкларнинг ялпи капитали ўсишининг ижобий динамикаси 23,9 фоиз даражасида ва уларнинг активлари 27,4 фоиз даражасида сақланиб қолинди. Банк тизими капиталининг етарлилик даражаси белгиланган халқаро меъёрлардан 3 марта кўп, жорий ликвидлик эса - талаб этиладиган энг кам даражадан 2 марта ортиқ.

Жорий йил бошидан буён Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкасининг 10 фоиздан 9 фоизга туширилиши тижорат банкларининг иқтисодиёт реал секторига кредит ажратиш ҳажмини 30,1 фоиз кўпайтириш имконини берди. Бунда, умумий кредитларнинг 79,7 фоизини инвестиция мақсадлари учун узок муддатли кредитлар ташкил қилди.

Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришга доир дастурий чоралар билан бир қаторда жорий йилнинг ўтган даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сон Фармонига мувофиқ акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив менежмент услублари жорий этилди. Жумладан, 623 акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини корпоратив бошқарувнинг намунавий тузилмасига мослаштириш чоралари кўрилди.

2016 йилда ялпи ички маҳсулот 7,8 фоизга, саноатда ишлаб чиқариш ҳажмларни 8,2 фоизга, қишлоқ хўжалигида – 6,1 фоизга, чакана товар айланмаси – 14 фоизга ва хизматлар – 17,4 фоизга ўсиши, инфляцияни 5,5 - 6,5 фоиз чегарасида сақлаб қолиш, аҳолининг реал даромадлари 9,5 фоизга, ўртacha иш ҳаки, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар тақдим қилинаётган солик имтиёзларини ҳисобга олиб 15 фоизга ошиши назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон банк сектори

Эришилган мустаҳкам ва турғун ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий барқарорлик мухитида Ўзбекистоннинг банк тизими барқарор суръатлар билан ривожланишни давом этмоқда. Тижорат банклари иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ва кичик бизнес ривожлантиришни молиявий қўллаб-куватлашда иштирокини кенгайтириш, банк айланмасига корхоналар ва аҳолининг пул маблағларини кенг жалб қилиш, нақд пулсиз ва карта орқали тўлов тизимини ривожлантириш, янги банк технологияларни жорий этиш, шунингдек тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини ошириш вазифалари банк секторини ривожлантиришнинг устувор аҳамиятини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ

қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги аа инвестицион фаоллигини ошириш бўйича асосий дастурий ҳужжат сифатида хизмат қилади. 2015 йилнинг 9 ойида банк сектори ривожланишининг барча асосий кўрсаткичлари бўйича барқарор ўсиш сақланиб қолди.

Ўзбекистон банк секторининг асосий кўрсаткичлари, трлн. сўмда

Кўрсаткичлар	2014 йил 1 октябрь	2015 йил 1 октябрь	Ўзгариш	
			млрд. сўм	ўсиш, %
Умумий активлар	48,7	62,1	13,4	28%
Жами капитал	6,0	7,4	1,4	235
Иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитлар	30,5	39,7	9,2	30%
Кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар	7,3	9,6	2,3	32%
Инвестиция кредитлари	6,7	7,9	1,2	18%
Банқдаги депозитлар	24,4	31,8	7,4	30%

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Жорий ликвидлик даражаси бир неча йил давомида 64 фоиздан ошади, бу эса дунё амалиётида қабул қилинган энг кам меъёрдан 2 баробар кўпроқ. Банкларнинг ялпи активлари ўтган йилнинг шу дарига нисбатан 27,4 фоизга ошган ва 62,1 трлн. сўмдан кўпроғини ташкил қилди.

Халқаро стандартлар асосида самарали банк назоратини амалга ошириш, активлар сифати ва банклар ликвидлиги устидан доимий мониторингни олиб бориш барча маҳаллий банкларга Fitch Ratings, Moody's ва Standard & Poor's каби етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан берилган ижобий рейтинг баҳоларни тасдиқлаш имконини берди.

«Moody's» рейтинг агентлиги олти йилдан бери Ўзбекистон банк тизимиға “барқарор” рейтинг баҳосини бериб келмоқда. Хусусан, агентлик таъқидлайдики, МДҲ давлатлари орасида фақат Ўзбекистон банк тизими барқарор ўсиш прогнозига эга, чунки истиқболда активлар сифати кўрсаткичлари даражаси, депозитлар ҳажми ўсиши сақланиб қолинади.

Хусусан, ҳисобот даврида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,1 фоизга ошди, ва 2015 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, уларнинг ҳажми 39,7 трлн. сўмдан кўпроғини ташкил қилди.

Банкларнинг инвестиция мақсадларига ажратилган инвестицион кредитлари миқдори ҳам 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 баробаридан кўпроғига ошди ва 2015 йил 1 октябрь ҳолатига ҳолатига кўра, 7,9 трлн. сўмни ташкил қилди.

Ҳисобот даврида молиявий хизматлар тузилмасида банклар улуши 88 фоизни ташкил қилди ва бу кўрсаткич 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ошди. Бу тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига кўрсатилаётган банк хизматлари кенгайтириш ва сифатини ошириш, умуман банк секторини ислоҳот қилиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигининг амалий исботи ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, нақдсиз тўловларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, бу эса муамолага чиқарилаётган пластик карталар сони жадал ўсиб бораётгандигини намоён қиласди. Ҳозирги кунда республикада 15,2 млн. пластик карталардан фаол фойдаланиб келинмоқда, ўрнатилган терминаллар сони эса 170 минг донага етди.

Тижорат банклари зиммасига 2015 йил учун иқтисодий дастурнинг энг муҳим бандларини ижро этиш, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорининг талабларига мувофиқ банк тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, халқаро стандартлар ва тамойиллар асосида банк фаолиятини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш, назоратни тартибга солиш, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларга молиявий кўмаклашиш, кўрсатилаётган банк хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, банк фаолиятида янги ахборот-коммуникация технологияларини жадал қўллаш бўйича вазифалар юклатилган.

Республикада ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича олиб борилаетган ишлар халқаро иқтисодий ташкилотларнинг ишбилармон муҳити рейтингларида ижобий акс этиб келмоқда. 2015 йил октябрь ойида Жаҳон банки “Бизнесни юритиш” рейтингини чоп этган, унда Ўзбекистон бир йилнинг ўзида 16 бандга кўтарилиб 87-чи ўринни эгалади. Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, “янги бизнесни қўллаб-қувватлаш” каби мезонлар бўйича Ўзбекистон ҳозирги кунда дунёда 42-чи, тузилган шартномалар ижро этилишини таъминлаш бўйича – 32-чи, иқтисодий ночор корхоналарни банкротлик тизими самарадорлиги бўйича – 75-чи ўринларни эгалаб турибди. “Кичик бизнес субъектларига кредитларни бериш” индикатори бўйича Ўзбекистон охирги уч йил ичida 154-чи ўринда 42-чи ўринга кўтарилиб, ўтган йилнинг ўзида ўз рейтингини 63 та позицияга яхшилади.

Жаҳон банкининг маърузасида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳозирги кунда охирги йил ичida ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган дунё мамлакатларининг ўнлигига киради.

2016 йилда Ўзбекистон банк соҳасининг жадал ривожланиш суръатлари сақланиб қолиниши, банклар капиталлашув даражаси ва уларнинг молиявий барқарорлиги мустаҳкамланиши, уларнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда ва аҳолининг фарофонлик даражаси ўсишда роли ошиши кутилмоқда.

Асосий воқеалар ва банкнинг жорий фаолияти

Банкнинг ўтган натижавий ривожланиш йилларида унинг Ўзбекистонда ва жаҳон банк ҳамжамиятида обрў-эътибори мустаҳкамланди, шунингдек банкнинг филиаллар тармоғи ва мижозларга чакана хизматлар кўрсатиш шоҳобчаларини ривожлантириш, банк маҳсулотларини кенгайтириш, етакчи маҳаллий ва хорижий банклар, тўлов тизимлар ва халқаро молия институтлари билан фойдали ҳамкорлик қилиш бўйича эришган муваффақиятлари аҳамиятлидир.

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ 2015 йилда «GLOBAL FINANCE» журналининг нақли бўйича кетма-кет икки йилдан бери Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган бозорлар банклари ичida Ўзбекистондаги энг яхши банки деб эътироф этилаётганини 2015 йилнинг энг муҳим воқеаси деб аташ мумкин.

Банк хизматини кўрсатиш сифатини яхшилаш соҳасидаги ютуқлари ва миллий банк кўргазмаларида ҳамда танловларида фаол иштирок этгани учун банк банк ҳамжамиятларининг ва шерик-банкларнинг дипломлари ва мукофотлари билан тақдирланди.

Банкнинг 2015 йилдаги фаолиятининг асосий воқеалари хроникаси

2015 йил январь ойи	Moody's Investor Service рейтинг агентлиги банкнинг халқаро кредит рейтингини олдинги даражада “барқарор” истиқболи билан тасдиқлади.
2015 йил февраль ойи	Банк “Энг яхши пластик карточкалар эквайери бўлган банк” номинациясида 2014 йил якунларига кўра аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича танловнинг ғолибига айланди.
2015 йил март ойи	Банк “BANKEXPO – 2015” ҳар йиллик Банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари миллий кўргазмасида “Энг самарали молиявий лойиҳа” номинациясида ғолиб деб топилди. Банкнинг Қарши филиали “Тадбиркорларни молиявий қўллаб-куватлаш бўйича банкнинг энг яхши худудий филиали” номинациясида совриндорга айланди.
2015 йил март ойи	Банк 2015 йилда «Global Finance» журналининг нақли бўйича Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган бозорлар банклари ичида Ўзбекистондаги энг яхши банк деб эътироф этилди.
2015 йил июнь ойи	Тошкент шаҳрида “Минор” мини банки очилди.
2015 йил июль ойи	Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорацияси билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш линияси бўйича 3,000,000.00 АҚШ доллари миқдорида шартнома имзоланди.
2015 йил июль ойи	Тошкент шаҳрида “Олтингепа” мини банки очилди.
2015 йил август ойи	Германиянинг Commerzbank AG банкидан савдо молиялаштириш соҳасида аъло даражада ҳамкорлик учун мукофот олди.
2015 йил ноябрь ойи	Қарши шаҳрида “Орзу” мини банки очилди.

Банкнинг бозордаги мавқеи

2015 йилнинг 9 ойи якунларига кўра «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ банк фаолиятининг барча асосий кўрсаткичлари бўйича тижорат банкларнинг иккинчи ўнлигига кирди. Масалан, активлар миқдори бўйича банк 26 та тижорат банклари орасида 15-чи ўринни эгалади.

«ASIA ALLIANCE BANK» АТБнинг бозордаги мавқеи 01.10.2015 йил ҳолатига

Кўрсаткичлар	млн. сўмда	Банк мавқеи
Ялпи активлар	925 992	15
Кредит портфели (соф)	396 473	14
Мижозлар депозитлари	621 597	13
Акциядорлик капитали	180 694	11

Банкни ривожлантиришнинг асосий устуворликларига риоя этган ҳолда, банк банк тармоғини кегайтиришни давом эттириди, янго банк хизматларини ва технологияларини жорий этди, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш борасида фаол иш олиб борди. Хусусан, 2015 йилда Тошкент ва Қарши шаҳарларида 3 та минибанклар очилди. Ҳозирги кунда банқда 5 та филиал, 13 та минибанк ва 13 та махсус касса шоҳобчалари фаолият кўрсатмоқда.

Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатишни ривожлантириш дастури доирасида корпоратив мижозлар базасини кенгайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, уларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш бўйича муайян ютуқлар қўлга киритилди. 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолтига банк депозитларида мижозлар пул маблағларининг қолдиғи 575 млрд. сўмни ташкил этиб, банк корпоратив мижозларининг сони 3,5 мингдан ошиб кетди.

Таъкидлаш жоизки, банк корхоналарнинг ва аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга жалб этиш ҳамда бакнинг депозит сертификатларини сотиш ҳисобига муддатли ресурс базасини кенгайтириш бўйича юқори натижалар қўлга киритилди. 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолтига муддатли ва омонат депозитларининг қолиди 142 млрд. сўдан ошиб кетди, сотилган депозит сертификатларининг ҳажми 47 млрд. сўмни ташкил этди.

Банкнинг барқарор ва турғун ривожланишини таъминлаш мақсадида банкнинг капитал базасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолтига банкнинг ўз капитали 181 млрд. сумни ташкил этди. Банк бошқа банклар ўртасида 11-чи ўринни эгалаб турибди, бошқача айтганда, давлат ва иирик акциядорлик банкларидан орқада қолган, халос.

Ўтган давр мобайнида банк томонидан чакана хизматларни ривожлантириш ва банк бизнесида чакана хизматлар соҳасининг ўрнини кегайтириш бўйича яхши натижалар қўлга киритилди. 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолтига аҳоли учун миллий валютадаги муддатли ва омонат жамғармаларининг 12

та тури, хоржий валютадаги жамғармаларнинг 5 та тури таклиф этилган. Аҳолининг банқдаги жамғармалари қолдиғи 43 млрд. сүмни ташкил этиб, 13 фоиз ўсишга эришилди. Жисмоний шахсларнинг халқаро пул ўтказмаларини ривожлантириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Бугунги кунда банқаро пул ўтказмалари бўйича 7 тизим орқали хизмат кўрсатилмоқда.

Шунингдек миллий валютадаги пластик карталари ҳамда халқаро валюта карталари билан банк операцияларини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Бугунги кунга келиб муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг сони 72,3 минг донадан иборат, бу соҳадаги ўсиш 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 42 фоизни ташкил этди. Карталарнинг асосий қисмини иш ҳақи лойиҳаси бўйича чиқарилган пластик карталар ташкил қиласди. Ўрнатилган терминалларнинг сони 1223 донадан иборат.

Банкнинг молиявий барқарорлигини банк фаолиятининг миллий ва халқаро шкала бўйича рейтинг баҳолари тасдиқлайди, бу борада рейтинг агентликлари томонидан мунтазам монтиринг ўтказилиб турилибди. Жумладан, банк “Moody’s Investors Service” рейтинг агентлиги томонидан В3/NP/E+ глобал шакаласи бўйича “Бақарор” истиқболи билан берилган баҳони сақлаб келмоқда. Шунингдек, “Ахбор-Рестинг” РА томонидан банкка миллий шкала бўйича “UzA+” рейтинги “Бақарор” истиқболи билан берилди.

Банк қўлга киритлган рақобатбардошлиқ мавқеини тобора мустаҳкамлаш билан бир қаторда янги, бекиёс рақобатбардошлиқ устуворликларини яратмоқда.

Банк ўзининг кучли жиҳатларига эга, бу айниқса активларнинг юқори сифатли эканлиги ва банк тараккалчилигини назорат қилишнинг самарали тизими, истиқболли корпоратив мижозлар базаси, мижозларга кўрсатилаётган хизматларнинг тезкор қарорлар қабул қилишга ва мижозлар билан эпчил муносабатларга асосланган юқори сифати, юқори рентабеллик кўрсаткичлари билан белгиланадиган банк фаолиятининг юксак самарадорлиги ҳамда амалиёт харажаларининг паст даражада эканлигига, банк мамлакатдаги ва халқаро банк ҳамжамиятларида ижобий обрў-эътибор қозанаётганлигига ўз ифодасини топмоқда.

Айни вақтда банк фаолиятининг келгусида ҳам муваффақиятли ривожланиб бориши активларнинг юксак сифатини мустаҳкамлаш, кредит портфели диверсификациясини янада яхшилаш, сотув тармоқларини кегайтириш ва банкнинг чакана хизматлар бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш, бизнес-жараёнларни такомиллаштириш ва оптималлаштириш орқали банкнинг рақобатбадошлигини ошириш каби фаолиятимизнинг барқарор ўсиб боришини таъминлайдиган вазифаларнинг ҳал этилишига боғлиқ.

БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2016 йилда банк фаолияти тижорат банклари олдига қўйилган қўйидаги устувор вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади:

- молиявий барқарорликни халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ ўстириб бориш;
- инвестиция фаолиятини ва банкнинг капиталлашув даражасини кучайтириш;
- ресурс базасини мустаҳкамлаш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини жорий этиш орқали аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига кенг жалб этиш бўйича чораларни амалга ошириш;
- корпоратив бошқарув методларини такомиллаштириш, банк активларини шакллантириш ва бошқаришнинг илғор методларини жорий этиш, хатарларга турғунликни ошириш ва ички назоратни яхшилаш;
- кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-куватлаш;
- илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, шунингдек банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини кенгайтириш йўли билан кўрсатилаётган банк хизматларининг ранг-баранглиги ва сифатини кенгайтириш.

Кредит фаолияти

2016 йилда кредит фаолиятини сифат жиҳатидан янада ривожланишини таъминлаш ва кредит портфели ҳамда унинг таркиби бўйича миқдорий кўрсаткичларга эришиш бўйича бир қатор муҳим ишларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Кредит ажратиш ҳажми 2016 йилган 605 млрд. сўм миқдорида режалаштирилмоқда. Кредит портфелининг қолдиғи (брутто) 2016 йилнинг охирига келиб 587 млрд. сўмни ташкил қиласди. Кредит портфелининг ялпи активларга нисбати 46 фоизни ташкил қиласди (2017 йил 1 январь ҳолатига), бу кўрсаткич 2015 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 43 фоиздан иборат бўлган эди. Эҳтимолдаги заарларга қарши заҳира қолдиғи 10,3 млрд. сўм миқдорида режалаштирилмоқда, бу эса кредит портфели умумий ҳажмининг 2 фоизини ташкил қиласди.

2016 йилнинг охирига қадар узоқ муддатли кредитлар (лизинг) портфелини 488 млрд. сўмгача кўпайтириш кўзда тутилмоқда, уларнинг кредит портфелидаги улуши 83 фоизни ташкил қиласди. Узоқ муддатли инвестиция кредитлари портфели салмоғини ошириш барқарор фоиз тушумлари манбайниня яратиш имконини беради.

Кўрсаткичлар	01.01.2017 йилга режа млн. сўм
Кредит портфелининг қолдиги (брутто), шу жумладан	587 301
қисқа муддатли кредитлар	99 625
узоқ муддатли кредитлар	477 676
Эҳтимолдаги йўқотишлар учун заҳира	10 270
Кредит портфелининг соғ қолдиги	577 031
Эҳтимолдаги зарар заҳираси/кредит портфели, брутто	1,75%

Кичик ва хусусий бизнес корхоналарини кредитлаштиришни ривожлантириш доирасида 100 млн. сўмдан 500 млн. сўмгача ўрта микдордаги лойиҳаларни молиялаштириш бўйича филиалларнинг фаолиятини фаоллаштириш режалаштирилмоқда. Филиалларга мижозлар бизнесининг салоҳиятли қатламларни ҳамда мижозлар бизнесининг муваффақиятли ривожланаётган йўналишларини фаол ўрганиш ва уларга кредит ажратиш бўйича ишлар таклиф қилинади. Банқдаги кредитлаштириш жараёнини, хусусан филиалларнинг Бош офис билан ўзаро биргаликдаги ҳаракатларини такомиллаштириш мақсадида филиалларга юридик шахсларнинг ўртacha кредит лойиҳаларини филиал ва минтақанинг салоҳиятини ҳисобга олган кредитлаш юзасидан лимитлар ўрнатиш мўлжалланмоқда.

Банк томонидан кўп микдорда молиялаштириш маблағларини талаб қилувчи йирик савдо ва инвестиция лойиҳаларни синдицирланган кредитлашда республиканинг тижорат банклари билан иштирок этиш имконига эътибор қаратилади.

Бундан ташқари, таълим муассасаларини битирган ёш тадбиркорларнинг, оиласвий тадбиркорлик субъектларининг, шунингдек мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширшга хизмат қиладиган ижтимоий жиҳатдан мухим аҳамиятга эга бошқа истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Кичик бизнес корхоналарининг узоқ муддатли истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш манбалари бўлиб, банкнинг ўз кредит ресурслари, халқаро молия институтларининг, хусусан Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорациясининг кредит линиялари хизмат қилади.

Банк томонидан кредит портфелининг мос равишда диверсификацияланишини таъминлаш чоралари қўрилади. Чакана кредитлашни кенгайтириш доирасида банк томонидан чакана кредитлар портфелини камида 8,9 млрд. сўмга ёки банк кредит портфели ялпи ҳажмининг 1,5 фоизи микдорида кўпайтириш режалаштирилмоқда. Жисмоний шахсларга бериладиган кредитларнинг асосий қисмини истеъмол кредитлари ташкил қилади. Чакана кредит маҳсулотларини оммавий тарзда илгари суриш мақсадида реклама акцияларини ўтказиш, корпоратив мижозларнинг меҳнат жамоаларида кредит маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш, маҳаллий товарлар ва хизматлар истеъмолчилари билан истеъмол кредитларини тақдим этиш борасида музокаралар уюштириш мўлжалланмоқда.

Банк юзага келган бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда кредитларнинг даромадлигигининг мос даражасини таъминлашни кўзда тутмоқда.

Келгуси йили банк томонидан кредитлаш жараёнида янги банк маҳсулотларини ва технологияларини энг яхши маҳаллий ва хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйиш бўйича ишларни давом эттириш режалаштирилмоқда.

Инвестиция ва эмиссия фаолияти

Банк инвестиция фаолиятини ўзининг истиқболли йўналишлардан бири деб ҳисоблайди ва 2016 йилда банкнинг инвестиция қуйилмаларини қўпайтириш бўйича бир қанча ишларни амалга оширишни, шунингдек инвестиция ресурсларининг сифатини кўтаришни режалаштирилмоқда. Банк инвестиция қуйилмаларини киритган молия компанияларнинг фаолиятини кенгайтириш, айниқса ушбу компаниялар томонидан янада жоизибадор бозор бўғимларинининг ўзлаштирилиши долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди.

Келгуси йилда банкнинг қимматли қоғозлар бозоридаги маҳаллий қимматли қоғозлар бозоридаги биринчи синфга мансуб корпоратив эмитентларнинг инвестори сифатидаги иштирокини кегайтириш, шунингдек банкнинг ана шу бозорнинг иккиласмачи бўғимиидаги иштирокини ошириш режалаштирилмоқда.

Банкнинг эмиссиявий фаолияти 2016 йилда қарзга оид қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш орқали банкнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлашга қаратилади. Хусусан, барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш учун депозит сертификатларининг навбатдаги чиқарилуви режалаштирилмоқда. Қимматли қоғозлар чиқарилиши банкка банкнинг заём ресурсларини кенгайтириш ва диверсификациялаш имконини яратиб бериши ҳамда банкнинг барча мижозларига (шу жумладан йирик бўлмаган мижозларга) ўз бўш пул маблағларини жойлаштиришнинг муқобил таклифини бериши зарур.

Банклараро ва валюта бозоридаги амалиётлар

Ҳозирги кунда банк банклараро бозорининг фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Пул ва валюта бозорларида банк миллий ва чет эл валюталарда банклараро депозитларини жалб қилиш ва жойлаштириш, валюта СВОПлар бўйича операциялар, халқаро ва маҳаллий валюта биржаларда форекс битимлари ва ҳужжатли операцияларни амалга оширади.

Ушбу бозор иштирокчилари билан ҳамкорлик яхшиланиб бормоқда, шунингдек ишончлилиги ҳамда нуфузи юқори банклар билан банклараро бозорда пул маблағларини жойлаштириш ва қарз олди-бердисини амалга ошириш бўйича ўзаро манфаатли муносабатлар мустаҳкамланмоқда.

Банкнинг активлари ва пассивларини бошқариш қўмитаси, Банк таваккалчилигини назорат қилиш қўмитаси бозорни тартибга солувчисининг талабларига мувофиқ ва банкнинг ликвидлик ва даромадлик даражаси самарали бошқаришни таъминлаш учун 2016 йилда ҳам капитални бошқариш бўйича, активлар ва пассивларни бошқариш бўйича, нархлар (тарифлар)ни белгилаш бўйича банкнинг сиёсатини сақлаб туриш, шунингдек банклараро пул бозорида операцияларни амалга ошириш учун вакил банкларга лимитларни таъминлаш мақсадида ўз иштирокини давом эттиради.

Банкни ривожлантириш стратегиясига мувофиқ банклараро пул ва валюта бозорида банк операцияларини чуқурлаштириш доирасида келгуси йилда қуидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда:

- Reuters ва Bloomberg каби молия институтларининг савдо ва ахборот платформалари га уланиш орқали замонавий дилинг марказини ташкил этиш имконини таъминлайдиган пул ва валюта бозорларда операцияларни амалга ошириш соҳасида банкнинг инфратузилмасини ривожлантириш;
- конвертация, банкнот битимлари соҳасида мижозларга жозибадор банк хизматларини таклиф қилиш орқали хизматлар ҳажми ва турларини кенгайтириш;
- банклараро депозитларни жойлаштириш, конверсия ва банкнот битимлар соҳасида контрагент банклар билан ўзаро ҳамкорликни янги даражага кўтариш;
- чет эл валютадаги активларни диверсификация қилиш ва уларни вакиллик банкларда самарали жойлаштириш учун валюталар курси мониторингини амалга ошириш;
- миллий валютадаги банклараро депозитлар даромадлигининг лозим даражасини таъминлаш;
- бозор конъюнктураси ўзгаришига боғлиқ равишда бошқа тадбирларни ўтказиш.

Вакиллик муносабатлари ва халқаро фаолият

Халқаро фаолиятини кенгайтириш борасида банк томонидан 2015 йилда вакил банклар тармоғини кенгайтириш, халқаро молия институтлари билан кредит линияларини жалб этиш юзасидан алоқа ўрнатиш ва банкнинг халқаро кредит рейтингини мустаҳкамлаш бўйича муҳим ютуқларга эришилди.

Бугунги кунга келиб банк дунёнинг етакчи банклари билан, жумладан Landesbank Berlin AG, Landesbank Baden-Wurtemberg, Commerzbank AG (Германия), DBS (Сингапур), UBS (Швейцария), Kookmin Bank (Корея), Bank of China (Хитой) df Agricultural Bank of China (Хитой) билан вакиллик муносабатларини ўрнатган. 2016 йилнинг 1 январь холатига банкнинг вакиллик ҳисобварақларининг умумий сони 43 та Ностро ҳисобварағини ташкил этиб, улар тўртта маҳаллий ва ўн учта хорижий банкларда очилган.

Халқаро молия институтлари, хусусан Landesbank Berlin AG, Landesbank Baden-Wurtemberg банклари ва Хусусий секторни ривожлантириш бўйича ислом корпорациясияларининг кредит линиялари асосида лойиҳаларни молиялаштириш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш режалаштирилмоқда. 2016 йилда банк мижозларининг технологик ускуналарни сотиб олиш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишга оид инвестиция лойиҳалари бўйича имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришнинг муқобил манбалари билан таъминлаш мақсадида халқаро молия институтлари билан навбатдаги келишувлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Банклар билан вакиллик алоқаларини ўрнатишида шерикларнинг ишончлилиги, банк мижозларининг манфаатлари, халқаро ҳисоб-китобларнинг сифатлилиги ва тезкорлиги каби талабларнинг устуворлиги сақлаб қолинмоқда. Етакчи банклар билан вакиллик алоқаларининг ўрнатилиши халқаро ҳисоб-китобларни ўтказиш, савдони молиялаштириш операцияларини, халқаро пул ўтказмалари хизматини ривожлантириш бўйича банк фаолиятини янада

кенгайтириш, шунингдек банкнинг халқаро мақомини мустаҳкамлаш имконини яратди.

Вакил-банклар ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бундан кейин ҳам банк фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади. Келаси йилда вакил-банклар тармоқларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва банкнинг халқаро фаолиятини ривожлантиришга, шунингдек банкнинг халқаро молия майдонидаги мақомини мустаҳкамлашга қаратилган қўйидаги тадбирлар белгиланган, жумладан:

- ҳар бир вакил-банкнинг рақобат бўйича афзал жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда хорижий шерик банклар билан ҳужжатли, депозит, форек операциялари бўйича ўзаро манфаатли ва комплекс ҳамкорликни, шунингдек бошқа соҳалардаги ўзаро муносабатларни янада чуқурлаштириш;

- кичик бизнесни молиялаштириш учун узоқ муддатли кредит линияларини жалб этиш, шу жумладан ХСРИСнинг молиялаштириш линиялари ҳамда савдони молиялаштириш соҳалари маблағларини жалб этиш мақсадида хорижий банклар ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва чуқурлаштириш бўйича ишларни давом эттириш;

- банкнинг ва банк ходимларининг хорижий банклар, халқаро молия институтлари, «The Banker», «Global Finance», «Euromoney» нашрлар ва оммавий ахборот воситалари томонидан ташкил этиладиган турли халқаро банк кўргазмаларида, анжуманларида, семинарларида, тажриба алмашувида ва танловларида иштирокини таъминлаш;

- банк кредит рейтингини мунтазам янгиланиб туришини таъминлаш мақсадида халқаро рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни давом эттириш;

- банкнинг жозибадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.12.2015 йилдаги ПҚ-2454-сон “Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашга қаратилган тадбирларни ўtkазиш, хусусан халқаро майдонда («road-show» каби) тақдимотини ўtkазиш учун ҳужжатларни тайёрлаш ва иштирокини ташкил этиш, ХМК томонидан бериладиган техник ёрдамни жалб этиш имконларини ўрганиш.

Хизмат кўрсатиши тармоғини ривожлантириш ва корпоратив мижозлар

Банкнинг асосий стратегик вазифларидан бири банкнинг юқори самараали филиаллар тармоғини яратишдан иборат. Бу эса унинг пойтахтдаги бозор мавқеининг мустаҳкамланишига ва республика минтақаларида ўз фаолиятини кенгайтиришга мустаҳкам асос яратиб бериши зарур. Янги филиал бўлинмаларини ташкил этиш мижозлар базасининг мустаҳкамланиши, натижада банк инфратузилмасининг фойдаланувчиларнинг кенг қатламларига яқинлашиб бориши учун, шунингдек банк бизнесининг диверсификацияланиши учун хизмат қилади.

Бугунги кунда банкнинг тижорат тармоғи банкнинг Бош оғисидаги Амалиёт бошқармасини, Шайхатоҳур, Олмазор, Мирзо Улуғбек, Миробод ва Қарши филиалларини, 13 та минибанкни ва 13 та маҳсус кассаларни ўз ичига олади. Минбанклар ва маҳсус кассалар йирик кормпоратив мижозларнинг биноларида мижозларимиз ва ходимлар учун максимал қулайликлар яратиб бериш мақсадида очилган.

2016 йилда банкнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида иккита филиалини очиш мўлжалланмоқда. Бу эса филиаллар таромоғини ривожлантириш ва Ўзбекистон банк хизматлари бозорида банкимизнинг хизматларининг мижозларга максимал даражада яқинлигини таъминлаш имконини беради. Бу йўналишдаги ишлар банкнинг келгуси йиллар учун устувор вазифларидан бири бўлиб қолаверади.

Банкни ривожлантириш стратегияси доирасида филиаллар фаолиятнинг самардорлигини мониторинг қилиш бўйича 2016 йилда банк филиаллари ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш орқали рейтинг баҳолаш тизими самарадорлигини юксалтириш ишлари давом эттирилади.

Банк филиаллари фаолиятининг барқарор ва сифатли ривожланиб боришини, уларнинг рақобатбардошлилигини ва муҳториятини таъминлаш келгуси йилда ҳам банк филиал тармоғини ривожлантириш соҳасидаги асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Хусусан, филиалларнинг муддатли ва барқарор ўз ресурс базаларини яратиш бўйича ишларни юридк шахсларнинг бўш пул маблағларини муддатли депозитларга жалб этиш ва улар томонидан депозит сертификатларини реализация қилиши ҳисобига фаоллаштириш, шунингдек чакана операцияларни ривожлантириш орқали филиаллар даромадларининг манбаларини кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда, очилиган мини-банклар ва бошқа чакана хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ўз-ўзини оқлашини таъминлаш бўйича ишлар давом эттирилади. Шу мақсадда янги банк хизматларини жорий этиш, маркетинг ва мижозлар билан ишлашни янада фаоллаштириш, ходимларнинг ҳамда мутасадди бўлинмаларнинг меҳнатини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини яратиш орқали банкнинг чакана хизмат бўлинмаларининг рентабеллигини юксалтириш кўзда тутилмоқда. Филиаллар ва чакана сотиш шохобчаларни мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини яратиш, фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича ҳар хил танловлар ва мусобақаларни ташкил этиш йўли билан филиаллар фаолиятини рағбатлантириш мўлжалланмоқда.

2015 йилда банк корпоратив блоки бизнесини ривожлантиришда яхши натижаларга эришди. Банкдаги корпоратив мижозларнинг депозит базаси 2016 йил 1 январига 760 млрд. сўм миқдорида кутилмоқда, бунда 111 млрд. сўмни корпоратив мижозларнинг муддатли депозитлари, 56 млрд. сўмни эса омонат депозитлари ташкил қиласди. Корпоратив мижозларнинг муддатли ва омонат депозитлари банк муддатли ресурс базасининг асосий қисмини таъминлаб беради.

2016 йилда банк хизматларининг корпоратив блокини ривожлантириш ишлари давом эттирилади. Бунда асосий эътибор мавжуд мижозлар билан ўзаро муносабатларни жадаллаштиришга, шунингдек банк филиаллар таромоғини кенгайтириш доирасида янги корпоратив мижозларни жалб этишга қаратилади.

Корпоратив мижозларга хизмат кўсатишнинг асосий тамойиллари мижозлар учун максимал қулайликларни яратишдан, фақат уларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиб ишлашдан, хизмат кўрсатиш учун сарфланаётган вақтни қисқартиришдан, операцияларни ўтказиш вақтини тезлатишдан, банк операцияларининг хавфсизлигини ва махфийлигини юксак технологиялар ва инновацияларни қўллаш, хусусан мижозларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш тадбирларини кенг жорий этиш, шунингдек мулојим тарифларни қўллашдан иборат

2016 йил давомида корпоратив мижозларнинг депозит маблағлари қолдиғини 25 фоизга ўстириш кўзда тутилмоқда.

Чакана мижозларга хизмат кўрсатиш

Чакана фаолиятни ривожлантириш, ажратилаётган истеъмол кредитлари ҳажмини ошириш, банкнинг чакана амалиётларини фаол олиб бориш манбани шакллантириш учун аҳолининг пул маблағларини жалб этиш, халқаро ва маҳаллий банк карталари билан операцияларни ривожлантириш вазифалари 2016 йилда ҳам устувор аҳамиятини сақлаб қолади. Ривожланган чакана бўғимини яратиш банкка ўз кредит ва депозит операцияларини, фоизли ва комиссион даромадларини диверсификациялаш имконини яратади ва шу орқали молиявий тавакалчилик хатарлари пасаяди. Бундан ташқари, чакана хизматлар бўғими чакана операцияларнинг нисбатан даромадли эканлиги билан ҳам истиқболли соҳа ҳисобланади.

2016 йилда чакана хизмат соҳасини ривожлантириш доирасида хизмат кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш ва бозорда талаб катта бўлган оммавий маҳсулотлар ва сифатли сервисни ривожлантириш, хусусан омонатларнинг, кредитларнинг, пул ўтказмаларининг ва пластик карта бизнеси соҳасидаги хизматларнинг янги турларини жорий этиш бўйича ишлар давом эттирилади.

Ана шу мақсадда келгуси йилда мижозларга комплекс хизмат кўрсатишнинг замонавий марказларини ташкил этиш, сотувлар каналларини кенгайтириш, мижозларни босқичма-босқич онлайн платформаларига ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўтказиш, талаб кучли бўлган кредит маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, банк мижозлари учун жозибадор ва ҳамиша очик чакана хизмат турларини кўпайтириш, кўрсатилаётган хизматларнинг тезкорлигини ва стандартларга мувофиқлигини ошириш орқали чакана фаолиятни янада ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР

Банк барқарорлигини ошириш ва хатарларини бошқариш чоралари

Банк хатарларини бошқаришнинг самарали ишини ташкил этиш банк барқарор фаолиятини таъминлаш, активлар юқори сифатини сақлаб қолиш, унинг молиявий турғунлиги ва рентабеллигининг юқори кўрсаткичларига эришишнинг энг муҳим шарти сифатида кўрилади.

Банқда таваккалчиликларни бошқариш бўйича маҳсус таркибий бўлинма фаолият кўрсатиб келмоқда, Банкнинг таваккалчиликларни бошқариш сиёсати ишлаб чиқилган бўлиб, у қабул қилинаётган хатарлар ва банк операцияларининг даромадлилиги ўртасида энг мақбул мувозанатни сақлаб туриш учун баҳолаш ва мониторинг қилиш, ҳажм ва концентрацияни назорат қилиш методларидан иборат. Банкнинг коллегиал органлари (Банк Бошқаруви, Банк таваккалчиликларини назорат қилиш қўмитаси, Активлар ва пассивларни бошқариш қўмитаси, Кредит қўмитаси, Инвестициялар қўмитаси, Аудиторлик қўмитаси) ва таркибий бўлинмалари ўртасида ваколатлар, шу жумладан ўз вақтида ахборот алмашинуви ва таҳлил қилиш, банк олдида қўйилган вазифаларни мунтазам бажарилишини таъминлаш бўйича ваколатлар тақсимланиши ташкил қилинган.

Банк хатарларини доимий асосда бошқариш орқали банк хатарларини идентификация, мониторинг қилиш, баҳолаш ва бошқариш амалга оширилади. Банкка таъсир қилувчи хатарларнинг кенг кўламини ҳисобга олиб, эҳтимолдаги зарар кўриш даражаси бўйича энг муҳими деб кредит, бозор хатарлари, ликвидлик ва операцион хатарлари ҳисобланади.

2016 йилда банкнинг молиявий турғунлигини янада ошириш ва хатарларни бошқариш бўйича ишларни такомиллаштириш доирасида вазифалар, Базел 3 янги тавсияларига ўтиш, банқда хатарларни бошқариш, ички назорат ва ахборот хавфсизлиги тизимида энг замонавий технологиялар ва дастурий таъминотни жорий этиш ва улардан фойдаланишини кенгайтириш режалаштирилган.

Ички назорат тизими

Банк томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2004 йилдаги 660-II сонли "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунига, бошқа меъёрий хужжатларга мувофик зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Банқда ички назорат тизимининг тўғри ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши учун масъул ҳисобланган Ички назорат бошқармаси фаолият кўрсатиб турибди, банк Кенгаши томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички қоидалар ишлаб чиқилган ва тасдиқланган.

Келгуси йилда ҳам ички назорат тизимининг самарали ишини ташкил этиш бўйича ишлар давом эттирилади. Ички назорат бўлинмаси ишининг самарадорлигини янада ошириш ишларини давом эттириш, шунингдек автоматлаштирилшан тизимнинг IABS ва "Ички назорат" кичик тизимларининг имкониятларини ва таҳлилий салоҳиятини ошириш режалаштирилмоқда.

Ахборот технологиялари

Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг бош мақсади банкнинг барқарор фаолият иш юритишини ва турғун ривожланиб боришини таъминлай оладиган замонавий АТ-технологиялари тузилмасини яратишдан иборат. Банк ахборот банкнинг бекиёс рақобатбардошлиқ афзалликларини технорлогиялари ривожлантириш асосий стратегик вазифаларни бажаришга, банк ички иш жараёнларининг автоматлаштирилишини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, банк хизматларига замонавий АТ-технологияларни жорий этишдан иборат. Банки ривожлантириш стратегиясига мувофиқ ахборот технологияларини банкнинг бекиёс рақобатбардошлигини шакллантиришнинг турғун манбаларидан бирига айлантириш кўзда туилмоқда.

Банқда ахборот технологияларини ривожлантириш мақсадида 2016 йилга қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

- банкнинг ва филиалларнинг АТ-инфратузилмасини ривожлантириш ва кенгайтириш, хусусан ускуналар паркини янгилаш, таҳлилий тизим учун сервер ускунасини харид қилиш ва ўрнатиш;

- банкнинг бизнес жараёнларини такомиллаштириш ва оптималлаштиришга ахборот технологияларини кенг жорий этиш, жумладан банкнинг АБС тизими учун янги дастурий маҳслотларни ва иловаларни ишлаб чиқиш орқали бизнес-бўлинмаларнинг ишини енгиллатиш ва жадаллаштириш, уларнинг банк хизматларини тақдим этишдаги ишчанлик, очиқлик, тезкорлик, хавфсизлик, узлуксизлик сифатларини кучайтириш;

- мижозларга хизмат кўрсатиш учун вақтинчалик чекловларни олиб ташлаш йўли билан ҳамда бюджет ва жорий этиш жадвалларини кўрсатган ҳолда, банк ва рақобатдошлиқ афзалликларни ошириш бўйича давомли операция куни сақлаб турилишини назарга оладиган “Ядро ИАБС-6” ва “Retail – жисмоний шахслар депозитлари, коммунал тўловлар, қимматли бланклар ҳисоби, субҳисобварақлар” лойиҳаларини ишга тушириш бўйича АТ-ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилиш;

- юридик ва жисмоний шахслар учун масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизимларини янада ривожлантириш, хусусан “Жисмоний шахслар учун интернет банкинг” ва “Жисмоний шахслар учун мобил банкинг” тизимларини ривожлантириш бўйича чораларни кўриш;

- Банк веб-сайтини ривожлантириш ва янги йўналишларини жорий этиш, шунингдек унинг замоанвий талабларга жавоб беришини таъминлаш;

- мижозлар билан ўзаро иш муносабатларни ва банк ходимларини бошқаришни такомиллаштириш учун CRM-тизимини жорий этиш ва ривожлантириш;

- банк фаолиятини мониторинг ва башорат қилиш учун таҳлилий тизимни жорий этиш ишларини олиб бориш.

Банк ходимларини камол топтириш

Банк жамоаси банкнинг асосий бойлиги ва рақобатбардошлиқ афзаллиги ҳисобланади. Ходимларни бошқариш тизимининг асосий мақсади банкнинг интеллектуал капиталини самарали бошқариш ва ривожлантиришдан, мутахассислар жамоасини банк стратегиясини оптимал харажатлар шароитида амалга оширишга қодир бўлган ишчанлик даражасида тутишдан, ходимларнинг

хусусий ва банк манфаатларини уйғунлатиришга йўналтирилган касбий салоҳиятларини тўлиқ намоён этишлари учун шарт-шароит яратишдан иборат.

2016 йилда бакнининг ходимлар салоҳиятини янада ривожлантириш мақсадида қуидаги чор-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган::

- банк Бош фоисини ва филиалларини банк соҳасида иш тажрибасига эга бўлган малкали мутахассислар билан ҳам, худди шу каби келгусида ўсиш истиқболига эга бўлган ёш битирувчилар билан ҳам тўлдириб бориш;

- ўқитишининг янги технологияларини қўллаган ҳолда ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг республикадаги йўналтирилган ўкув юртларида таълим олишини, шунингдек турли маҳаллий/халқаро тренингларда, дастурларда, семинарларда иштирок этишини уюштириш;

- банк операцияларига ихтисослашган ўкув марказларида тайёрлаш ва қайта тайёрлаш орқали аудиторларнинг малакасини доимий ошириб бориш;

- касбий билимларни ошириш билан бир қаторда ходимларнинг шахсий хусусиятларини, жамоада аҳил ишлаш сифатларини ривожлантиришга қаратилган тренингларни ташкил этиш ва ўтказиш;

- маркетинг, услубий ишланмалар ва МҲҲСни жорий этиш соҳасида ходимлар салоҳиятини ошириш, ушнингдек уларни янги банк хизматларини ривожлантириш ва жорий этиш ишларига фаол жалб қилиш;

- лавозим мажбуриятларни бажаришда ва банк сирига риоя қилишда банк ходимларининг касбий этикаси ва масъулиятини ошириш;

- қўйилган мақсадларга эришида ва вазифаларни бажаришда пировард натижага интилишни рағбатлантириш учун ҳам моддий ҳам маънавий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш ва оптималлаштириш.

МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАШТИРИШ

Банк фаолиятининг устувор йўналишларини янада ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши натижасида 2016 йилда асосий молиявий кўрсаткичларнинг барқарор динамикасига эришиш кутилмоқда.

Фаолият миқёсини кенгайтира борар экан, банк ўзи молия бозорида эришган мавқеларни сақлаб қолишига ва кредитлаш ҳамда чакана хизматлар кўрсатиш бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди. Айни чоқда, Банк баланси ва даромадлари тузилмасини сифат жиҳатдан ўзгартиришга алоҳида эътибор ажратилади. Бунда банк фаолияти энг муҳим кўрсаткичларининг халқаро молия институтлари томонидан тавсия этилган ҳамда янги Базель келишувина мувофиқ келадиган оптимал нисбатига эришиш бош вазифамиз этиб белгиланган. Банк операцияларини кенгайтиришда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тавсия этилган банк тизимининг юқори даражадаги молиявий турғунлигини таъминлаш бўйича иқтисодий меъёрларни сўзсиз бажаришга қаратилади.

Банкнинг капитал базаси асосан бакн ички манбалари ҳисобига, бошқача айтганда, банкнинг соф даромадини капиталлаштириш ҳисобига ўсиб боради. Заём ресур базасини шакллантирилиши юридик ва жисмоний шахсларнинг

маблағларини жамғармаларга жалб этиш, бакнинг қарзга оид қимматли қоғозларини чиқариш орқали амалга оширилади.

Юқорида келтирилган таомийиларни ҳисобга олган ҳолда Бизнес-режага банк фаолиятининг истикбол кўрсаткичлари илова қилинмоқда.

Бизнес-режада кўзда тутилган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилиши учун банк фаолиятининг қўйида келтирилган асосий мақсад ва истиқбол кўрсаткичлари кўзда тутилмоқда. Мазкур мақсад ва истиқбол кўрсаткичлари банкнинг ҳар бир бўлинмаси ва фаолият йўналиши бўйича алоҳида батафсил истиқбол режаларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади.

ИСТИҚБОЛ БАЛАНСИ (минг сүмда)

Кўрсаткичларнинг номи	01.01.2017 й. ҳолатига
-----------------------	---------------------------

АКТИВЛАР

Кассадаги нақд пул ва б. тўлов хужжатлари	26 107 526
ЎРМБ даги ва бошқа банклардаги пул маблағлари	597 320 449
Олди-сотди учун инвестициялар ва қимм. қоғозлар	13 040 700
Кредитлар, соф	577 030 977
Бошқа активлар	41 582 412
Жами активлар	1 255 082 064

ПАССИВЛАР

Жами депозитлар	846 122 074
Бошқа банкларга тўланадиган ҳисобварақлар	2 100 000
Банкнинг қарзга оид қимматли қоғозлари	63 900 000
Бошқа мажбуриячтлар	125 804 086
Жами мажбурияятлар	1 037 926 161

Акциядорлик капитали	217 155 904
Устав капитали ва қўшилган капитал	127 547 261
Заҳира капитали	10 136 803
Тақсимланмаган фойда	79 471 840
Жами мажбурияятлар ва капитал	1 255 082 064

ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА ИСТИҚБОЛ ҲИСОБОТИ (минг сүмда)

Кўрсаткичларнинг номи	01.01.2017 ҳолатига
Фоиз даромадлари	89 914 332
Фоиз харажатлари	30 131 991
Фоизсиз даромадлар	73 056 178
Фоизсиз харажатлар	10 447 831
Амалиёт харажатлари	62 081 443
Ссуда ва лизинглар бўйича эҳтимолдаги зарар	6 060 988
Даромад солигини баҳолаш	12 246 271
СОФ ФОЙДА	42 001 985